

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ**

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ПАТРУЛЬ-ПОСТ ХИЗМАТИ БЎЛИНМАЛАРИ
ТОМОНИДАН ФУҚАРОЛАР ГАВЖУМ БЎЛАДИГАН ЖОЙЛАРДА ЖАМОАТ
ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
БОРАСИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ ШАРТНОМАВИЙ-ХУҚУҚИЙ АСОСДА АМАЛГА
ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.10.2017 й., 09/17/808/0081-сон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 1 майдаги ПҚ-2940-сон [қарорига](#) мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хизматларни шартномавий-хуқуқий асосда амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом [иловага](#) мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бир ой муддатда:

Молия вазирлиги билан биргаликда ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хизматлар тарифини белгиланган тартибда ишлаб чиқсан ва тасдиқласин;

ўзининг меъёрий-хуқуқий ҳужжатларини мазкур қарорга мувофиқлаштирсин;

Қоракалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда тадбиркорлик субъектлари ўртасида мазкур қарорнинг мақсади, моҳияти ва амалий аҳамиятини тушунтириш юзасидан тадбирларни ташкиллаштирсин ва амалга оширсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири П.Р. Бобоҷонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 9 октябрь,
808-сон

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 октябрдаги
808-сон карорига
ИЛОВА

Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларини шартномавий-хуқукий асосда кўрсатиш тартиби тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хизматларни шартномавий-хуқукий асосда кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишга, шунингдек йиғилишлар, митинглар, кўча намойишлари ва демонстрацияларга нисбатан татбиқ этилмайди.

3. Бозорлар, йирик савдо, кўнгилочар, дам олиш мажмуалари ва марказлари ҳамда фуқаролар гавжум бўладиган бошқа жойларда (кейинги ўринларда фуқаролар гавжум бўладиган жойлар деб аталади) жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тадбирлар шартномавий-хуқукий асосда ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари (кейинги ўринларда ППХ бўлинмалари деб аталади) томонидан мазкур жойларда фаолият кўрсатувчи юридик шахслар (кейинги ўринларда юридик шахслар деб аталади) билан тузиладиган шартномаларга мувофиқ пулли асосда амалга оширилади.

2-боб. Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги хизматлар юзасидан шартнома тузиш

4. Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматлари кўрсатиш тўғрисида шартнома (кейинги ўринларда шартнома деб аталади) тузиш учун юридик шахс туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлим)га ариза билан мурожаат қиласди. Аризада юридик шахснинг номи ва ташкилий-хуқукий шакли, фуқаролар гавжум бўладиган жойнинг номи, манзили, бино ва иншоотлар ҳамда атрофидаги худуднинг схемаси илова қилинган холда кўрсатилади.

5. Шартнома тузиш тўғрисидаги ариза ушбу Низомнинг 1-иловасидаги схема асосида кўриб чиқилади.

6. Шартнома тузиш тўғрисидаги ариза туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасининг (бўлимининг) жамоат тартибини сақлаш бўлими (бўлинмаси, гурухи) томонидан ариза келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни ичида кўриб чиқилади.

7. Аризани кўриб чиқишида туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасининг (бўлимининг) жамоат тартибини сақлаш бўлими (бўлинмаси, гурухи) юридик шахс билан биргаликда фуқаролар гавжум бўладиган жой кўздан кечирилади.

8. Фуқаролар гавжум бўладиган жойни кўздан кечириш натижаси бўйича далолатнома тузилиб, унда обьект худудининг чегараси, ППХ бўлинмаси шахсий таркибининг талаб этиладиган сони, хизмат хоналари, пост ва маршрутларнинг жойлашуви, жавобгарлик худуди, ППХ бўлинмаси ходимларининг хизмат олиб бориш вақти ҳамда тартиблари белгиланади, шунингдек, ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклда шартнома лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Кўздан кечириш далолатномаси ва шартнома лойиҳаси тегишли равища Коракалпогистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари

ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармасига юборилади.

9. Фуқаролар гавжум бўладиган жойнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинган ҳолда, кўздан кечириш далолатномаси ва шартнома лойиҳасида ППХ бўлинмасининг хизматини ташкил этишнинг алоҳида шартлари кўрсатилиши мумкин.

10. Юкланган вазифаларни бажариш учун ППХ бўлинмаси шахсий таркибининг сони, пост ва патруль йўналишларининг жойлашуви, шунингдек хизматни ўташ қоидалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ёки Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси кўздан кечириш далолатномаси ва шартнома лойиҳасини кўриб чиқиши якунлари бўйича уларни беш иш кунидан кечиктирмаган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ёки Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси раҳбариятига тақдим этади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ёки Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармалари томонидан кўздан кечириш далолатномасида обьектлар чегарасини, ППХ бўлинмасининг жавобгарлик зоналарини, пост ва патруль йўналишларининг жойлашуви, сони ҳамда кўрсатиладиган хизматлар смета қийматини белгилашда жиддий камчиликлар аниқланганда, туман (шаҳар) ички ишлар бошқармасига (бўлимига) мазкур камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш тартиблари кўрсатилган билдиришнома юборилади.

13. Шартнома лойиҳаси амалдаги қонунларга мувофиқ бўлган тақдирда, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси уч иш кунидан ошмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига юридик шахс билан шартнома тузиш ҳамда ППХ бўлинмаси ходимлари учун қўшимча штат бирликлари ажратиш тўғрисида тақдимнома киритади.

14. Юридик шахслар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси билан шартнома тузади.

15. Шартнома тузиш ва ППХ бўлинмаси ходимлари учун қўшимча штат бирликлари ажратиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. ППХ бўлинмаси зиммасидаги вазифаларни қўшимча штат бирликлари ажратилгандан сўнг амалга оширади.

3-боб. Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини ташкил этиш

17. Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматлари ППХ бўлинмалари нарядларининг фаолиятини ташкил этиш орқали кўрсатилади.

18. ППХ бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш ва уларни моддий-техник воситалар билан таъминлаш тузилаётган шартномалар бўйича тушадиган маблағлар хисобидан амалга оширилади.

19. ППХ бўлинмаси ходимларининг хизматни олиб бориш тартиби ва вақти, пост ва маршрутларнинг жойлашуви ҳамда жавобгарлик ҳудудлари туман (шаҳар) ички ишлар бошқармаси (бўлими) бошлиғи томонидан юридик шахс билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

20. Фуқаролар гавжум бўладиган жой бир нечта туманлар (шаҳарлар) ҳудудида жойлашган тақдирда, ППХ бўлинмаси ходимларининг хизматни олиб бориш тартиби ва вақти, пост ва маршрутларнинг жойлашуви ҳамда жавобгарлик ҳудудлари Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланади.

21. ППХ бўлинмалари ходимлари Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиқлари тақдимномасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиқлари томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

22. ППХ бўлинмаларининг бошқарув аппарати ва командирлар таркибининг умумий сони (отряд, гурӯҳ командирлари) шартномаларга асосан ажратилган штат бирликларининг тўрт фоизидан ошмаслиги керак.

23. ППХ бўлинмаларининг амалдаги шартномалар асосида киритилган штат бирликлари белгиланган тартибда кисқартирилади.

24. Ички ишлар органларининг шартнома асосида фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматлари кўрсатиш тарифлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ушбу тарифларни декларация қилиш (тасдиқлаш) йўли билан белгиланади.

25. Шартномалар асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, вилоятлар ички ишлар бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг бюджетдан ташқари маҳсус ҳисобрақамларига ўтказилади.

26. Кўрсатиладиган хизматлар учун келиб тушадиган маблағлар ходимларга ойлик маош бериш, уларни моддий рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя қилиш ППХ бўлинмаларининг моддий-техник базасини, жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш ва янгилаш учун сарфланади.

4-боб. Якунловчи қоида

27. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум
бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларини
шартномавий-хукукий асосда кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низомга
1-ИЛОВА

**Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларини
кўрсатиш юзасидан шартномалар тузиш тартиби**

СХЕМАСИ

Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати бўлинмалари томонидан фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш
ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларини шартномавий-хукукий асосда кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низомга
2-ИЛОВА

**Фуқаролар гавжум бўладиган жойларда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат
хавфсизлигини таъминлаш хизматларини кўрсатиш тўғрисида
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

20 ____ й. «__» _____

_____ -сон

_____ ш.

Ички ишлар органининг номи _____

(тўлиқ номи)

номидан _____

(лавозими, Ф.И.О.)

Низом асосида фаолият юритувчи ва кейинги ўринларда Ижрочи деб аталади, бир томондан ҳамда _____

(тўлиқ номи)

номидан _____

(лавозими, Ф.И.О.)

асосида фаолият юритувчи _____

(кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) иккинчи томондан, биргаликда Томонлар деб аталади, қуидагилар хақида ушбу Шартномани тузди:

1. Шартнома предмети

1.1. Ижрочи жавобгарлик ҳудудлари ва патруль йўналишларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизматларини кўрсатади,
Буюртмачи эса ушбу Шартнома шартларига асосан кўрсатилган хизмат учун тўловлар ўз вақтида тўланишини таъминлайди.

2. Умумий шартлар

2.1. Буюртмачи _____

(хизмат тури, постлар сони, чегаралари, алохида хона, хизмат вақти)

(объектнинг тўлиқ номи, жойлашган манзили)

(кейинги ўринларда объект деб аталади) топширади, Ижрочи қабул қиласи.

2.2. Пост ва патруль йўналишлари белгиланган ҳолда, объектнинг чегара худудлари (иншоотлари, курилмалари), жавобгарлик худудлари ушбу шартномага илова қилинган ва унинг ажралмас қисми ҳисобланган режа-схема ва пост ҳамда патруль йўналишлари жойлашган жойда кўрсатилади.

2.3. Объектдаги ўтказиш (киритиш) ва ички объект режими Томонлар келишуви бўйича ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ўтказиш (киритиш) ва ички объект режимини ташкил этиш ва амалга ошириш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади.

2.4. Объект муҳандислик-техник ва хавфсизлик тизимлари билан Буюртмачи томонидан жиҳозланади.

2.5. Объектда жамоат тартибини саклаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун Буюртмачи билан келишилган ҳолда, хизмат итларидан фойдаланиш мумкин. Хизмат итларидан фойдаланиш, уларни бокиши, шу жумладан зарур озиқ-овқатларни ажратиш, ветеринария хизматлари кўрсатиш ички ишлар органларининг норматив хужжатлари асосида амалга оширилади.

2.6. Ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати ходимлари ушбу Шартнома имзолангандан сўнг _____ иш куни ичиде объектга жалб этилади.

3. Нарх ва ҳисоб-китоб тартиби

3.1. Ушбу Шартнома бўйича кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мувофиқ қўйидаги ҳисобланади:

а) пост-соат ҳисобида жамоат тартибини саклаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш хизмати ойига _____ сўм, 12 ойга _____ сўм;

б) Ижрочи балансида турган хизмат итини саклаш учун ойига _____ сўм, 12 ойга _____ сўм.

3.2. Ижрочи хизматлари нархи қонун хужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматлар учун тўлов Буюртмачи томонидан Ижрочининг ҳисоб рақамига ушбу Шартномада назарда тутилган ойлик тўловнинг 100 фоизини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Буюртмачи қўйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Ижроидан ўтказиш (киритиш) ва ички объект режимини ташкил этиш ва амалга ошириш йўриқномасига риоя этишини талаб қилиш;

б) Ижрочи ходимларининг хизматни ўташдаги камчиликлар ва қоидабузарликларини бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўришни талаб қилиш;

в) Ижрочи хизматини ташкил қилиш ва амалга оширилишини назорат қилиш;

г) Ижрочи томонидан интизом бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича тегишли чоралар кўриш мақсадида Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

д) Ижрочи томонидан хизматлар лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

4.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

а) мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 20 ____ йил «____» _____ даги кўздан кечириш далолатномасига асосан, объектнинг муҳандислик-техник мустаҳкамлиги бўйича тадбирларни амалга ошириш ва ўз ҳисобидан ППХ ходимларининг хизмат кўрсатишлари учун зарур шарт-шароитлар билан таъминлаш, шунингдек заруратга қараб таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

б) Ижрочи билан ҳамкорликда ҳар чорақда камида бир марта объектнинг муҳандислик-техник, ёнгинга қарши, коммуникация тизимлари ва иншоотларининг хавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан кўздан кечириш, зарур ҳолатларда аниқланган камчиликларни Буюртмачи томонидан бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартиби кўрсатилган ҳолда Томонларнинг масъул вакиллари имзоси билан далолатнома тузиш; в) объектнинг муҳандислик-техник, ёнгинга қарши, коммуникация тизимлари ва иншоотларининг хавфсизлик талабларига жавоб беришига риоя этиш талабларини бажариш;

г) бино ва иншоотларда режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жиҳозлаш, уларнинг иш режими ва фаолият йўналишини ўзгариши, моддий қимматликларни саклаш жойини ўзгариши ёки янгиларини ташкил этиш, кўриқланадиган жой ёки майдонларни бошқа шахсларга

ижарага бериш, объектни бошқа шахсга мулк қилиб бериш, шунингдек тадбирлар ўтказиш ва бунинг натижасида хизмат ўташ тартибларига, пост ва патруль йўналишларига ўзгаришилар киритиш ёки хавфсизликни таъминлаш бўйича қўшимча муҳандислик-техник воситаларни ўрнатиш талаб этилиши ҳақида Ижрочини камидা _____ кун олдин огоҳлантириш;

д) Ижрочининг объектга хизматга жалб этилган хамкорликни сони, хизматни ташкил этиш тартиби, пост ва патруль йўналишлари жойлашган жой, хавфсизликни таъминловчи муҳандислик-техник воситаларни жойлаштириш тизимлари, шунингдек объектда жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бошқа маълумотларни бегона шахсларга ошкор қўймаслик;

е) Ижрочи вакилларини объектда унинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисмига тааллуқли ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан таништириш.

4.3. Ижрочининг ҳукуқлари:

а) Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиши ва ички режим тартибига риоя қилинишини талаб қилиш;

б) объектни кўздан кечириш далолатномаси асосида, татбиқ этилиши зарур бўлган хавфсизликни таъминловчи муҳандислик-техник воситалар билан объектни жиҳозлаш юзасидан Буюртмачига тавсиялар бериш.

4.4. Ижрочининг мажбуриятлари:

а) шахсий таркибнинг ушбу Шартномада кўрсатилган зарур ходимлари сонини ажратиш, пост ва патруль йўналишлари жойлашувига мувофиқ объектга нарядларни кўйиш;

б) ушбу Шартнома ва унинг иловаларига мувофиқ ходимларнинг ўз функционал вазифаларини лозим даражада бажаришларини ташкил этиш;

в) жавобгарлик худудларида патрулликни амалга ошириш, қўриқланадиган объектларда жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигига қарши ҳаракатларни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, шунингдек ҳукуқбузарлик содир этган шахсларни кўлга олишга қаратилган чораларни амалга ошириш;

г) объектни ҳукуқбузарликлардан ҳимоя қилиш, ушбу Шартномага мувофиқ объектда ўрнатилган кириш-чиқиши ва ички режим тартибини амалга ошириш, белгиланган тартибда объектга товар-моддий бойликларнинг олиб кирилиши ва олиб чиқилишини назорат қилиш;

д) объект худудига фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф солувчи, муомалада бўлиши чекланган (тақиқланган) ёхуд олиб киришга (чиқишга) Буюртмачи рухсати талаб этиладиган предмет ва буюмларни рухсатсиз олиб кириш (чиқиш)нинг олдини олиш ва бартараф этиш;

е) объектда ёнгин хавфсизлиги, санитария қоидалари ва нормаларини таъминлашга қаратилган ишларни олиб бориш;

ж) фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда бу ҳақда зудлик билан худудий ички ишлар органлари, бошқа ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда Буюртмачи вакилини хабардор қилиш, жиноий ҳаракатларни бартараф этишида уларга ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш;

з) Буюртмачи билан ҳамкорликда ҳар чоракда камидা бир маротаба қўриқланадиган объектнинг муҳандислик-техник, ёнфинга қарши, коммуникация тизимлари ва иншоотларининг хавфсизлик ҳамда техник мустаҳкамлик талабларига мувофиқлиги юзасидан уларни кўздан кечириш, зарур ҳолларда аниқланган камчиликларни Буюртмачи томонидан бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда, Томонларнинг масъул вакиллари имзоси билан далолатнома тузиш;

и) Ижрочи томонидан йўл қўйилган мажбуриятнинг ҳар бир қоидабузарлик ҳолати юзасидан Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари иштирокида 2 нусхада далолатнома тузиш, бир нусхасини тегишли чоралар кўриш учун Ижрочи раҳбарига тақдим этиш;

к) фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда ички ишлар органларининг махсус бўлинмалари ва бошқа тегишли идоралар етиб келгунига қадар жамоат тартибини сақлаш, объектни бирламчи тўсиб олиш ва қўриқлаш бўйича зарур чоралар кўриш;

л) фавқулодда ҳолатларда қўриқланадиган объектда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш учун эвакуация, кутқарув ва бошқа тадбирларни амалга ошириш.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Ушбу Шартномада кўрсатилган сумма Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўланмаганда Буюртмачи Ижрочига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлов суммасининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг миқдори муддати ўтган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.2. Ижрочининг ходими постларда ва патруль йўналишларида асоссиз равишда бўлмаганлиги учун Ижрочи Буюртмачига бир кунлик қўриқлаш хизмати нархининг 10 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Ижрочи ушбу Шартнома ва унинг иловаларида кўрсатилган мажбуриятларни тегишли даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган

зарар учун моддий жавобгар бўлади.

5.4. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойкани (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6. Низоларни ҳал этиши

6.1. Ушбу Шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишда юзага келадиган низолар Буюртмачи ва Ижрочи томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

7. Форс-мажор

7.1. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганлиги учун, агар бундай ҳолат ушбу Шартнома тузилгандан кейин ва Томонлар оқилона чора-тадбирлар билан олдини ололмаган фавқулодда тусдаги воқеалар оқибатида пайдо бўлган бартараф этиб бўлмайдиган кучлар оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод этилади.

7.2. Ушбу Шартномада қайд этилган вазиятлар туфайли ўз мажбуриятини бажара олмайдиган Томон мазкур бартараф этиб бўлмайдиган кучлар пайдо бўлган кундан бошлаб икки кун муддатда иккинчи Томонни бундай ҳолат юзага келгани, кейинчалик эса тўхтатилгани ҳақида ёзма равишда хабардор қиласди.

7.3. Форс-мажор ҳолатлари ва уларнинг оқибатлари уч ойдан ортиқ давом этса, Ижрочи ва Буюртмачи Шартномани давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлигини муҳокама қиласди ва агар бир ой муддат ичida ўзаро келишилган қарорга келмаса, ҳар бир Томонга хеч қандай талаблар қўймасдан ушбу Шартномани бекор қилиш хукуки берилади.

8. Якунловчи қоидалар

8.1. Ушбу Шартнома қайд этилган барча камчиликлар Буюртмачи томонидан бартараф этилганлиги тўғрисида кўздан кечириш далолатномаси тузилганидан сўнг кучга киради. Шартнома тузилган вақт уни Томонлар имзолаган сана билан белгиланади.

8.2. Ушбу Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади ва унинг ажralмас қисми ҳисобланади.

8.3. Шартноманинг амал қилиш муддати Томонлар уни имзолаб, барча мажбуриятларини тўлиқ бажаргандан сўнг белгиланади.

Агар Томонлардан бирортаси ушбу Шартномага амал қилиш муддати тугагунга қадар 30 кун олдин уни тўхтатиш ёки бекор қилиш хақида маълум қилмаса, Шартнома шу муддат ҳамда шартларга мувофиқ узайтирилади.

8.4. Ушбу Шартномани бекор қилишдан манфаатдор Томон бошқа Томонни исталган муддатдан бир ой олдин бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

8.5. Агар хавфсизликни таъминотининг техник воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиқса ва зудлик билан капитал таъмиrlашни талаб қиласа, бирор Буюртмачи мазкур камчиликларни бартараф этишини рад этса, Ижрочи 7 кун олдин Буюртмачини ёзма равишда огохлантириб, шартномани бир томонлами бекор қилишга ҳақлиdir.

8.6. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган ва бир хил юридик кучга эга.

8.7. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб, Томонлар ушбу Шартномага қонун хужжатларига мувофиқ қўшимчалар киритишга ҳақлиdir.

9. Томонларнинг манзили ва реквизитлари

Ижрочи

Буюртмачи

(тўлиқ номи)

Юридик манзили: _____

Банк реквизитлари: _____

МФО: _____

(ташкилот номи)

Юридик манзили: _____

Банк реквизитлари: _____

МФО: _____

СТИР: _____
ХХТУТ: _____

_____ (лавозими, Ф.И.О.)

_____ (имзо, мухр)

СТИР: _____
ХХТУТ: _____

_____ (лавозими, Ф.И.О.)

_____ (имзо, мухр)

